

Юртимиз уламоларининг Бухорога ташрифи бошланди



11:57 / 08.09.2021 1796

Аввал хабар берганимиздек, кунни кеча юртимиздаги бир гуруҳ таниқли уламоларнинг Бухоро вилоятига ташрифлари бошланди.

Тошкентдан уламолар, диний соҳа раҳбарлари йўлга чиққан Афросиёб тез юрар поезде Бухоро вилоятига етиб борди. Муҳтарам устозларни Бухоро вилояти ҳоким ўринбосари Эркин Мажидов, Бухоро вилояти бош имом-хатиби Жобир домла Элов ҳамда вилоятдаги соҳа вакиллари томонидан кутиб олинди.

Бухоро сафари давомида Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлим мудирини, “Шайх Зиёвуддинхон” масжиди имом-хатиби Эрдон домла Эсонов Бухоро шаҳридаги “Халифа Худойдод” масжидига ташриф буюриб, пешин намозини жамоат билан адо этиб, йиғилганларга “Шукроналик – энг олий неъмат” мавзусида маъруза қилиб бердилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси, “Ҳазрати Али” масжиди имом-хатиби, таниқли уламо Салоҳиддин домла Шарипов пешин намозига Бухоро шаҳридаги “Сайфиддин Боҳарзий” масжидига ташриф

буюриб, йиғилганларга “Юртга садоқат, неъматлар шукри” мавзусида маъруза қилиб бердилар.

??????, ?????? ?????? “???? ?? ????” ?????? ???-????? ?????????
??? ??????? ?????? ?????? ?????????????? ?? ?????????? ?????? ??????????
“???????? ??????????????” ??? ?????????????? ??????б ?????? ??????????????
????????????? ?????? ?? ?????? ??????????????» **мавзусида** ?????????? ?????????
????? ??????????

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси биринчи ўринбосари
Ҳомиджон домла Ишмадбеков Бухоро шаҳридаги муҳташам "Болои Ҳовуз"
масжидига ташриф буюриб, пешин намозини жамоат билан адо этиб,
ҳудуд мўмин-мусулмонларига маърифий мавъиза қилиб бердилар.

Уламоларимизнинг мазмунли суҳбатлари якунида мустақил юртимизда
олиб борилаётган улкан ўзгаришларнинг янада раванқ топиши, эл-юрт
тинчлиги ва мамлакат ободлиги, ҳаётимиз янада фаровон бўлишини тилаб
дуои хайрлар қилинди.